

№ 8 (3) - 2023

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL**

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 8 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Воҳидова Комила Абдуллозизовна</i>	
“ЭЛ БАЙРОФИ” ГАЗЕТАСИ ҲАҚИДА	11-17
<i>Сулайманов Саламат Арапбаевич</i>	
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МУХТОР ВИЛОЯТИДА ҚУРУҚЛИК ВА СУВ ТРАНСПОРТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР (1924-1932 ЙЙ)	18-24
<i>Raupov Холмамат</i>	
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА УРАН КОНЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ТАРИХИ	25-32
<i>Мажидов Анвар Сиражович</i>	
ИМПЕРИЯ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИНИГ ТУРКИСТОН ТУБ ХАЛҚЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ФУҚАРОЛИК АҲВОЛИГА ТАЪСИРИ (СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)	33-40
<i>Begamatova Nasiba Xolmurzayevna</i>	
FERMER XO'JALIKLARI VA KLASTER TIZIMI UCHUN O'RTA MA'LUMOTLI MUTAXASSISLARNI TAYYORLASH TIZIMIDAGI YUTUQLAR VA MUAMMOLAR (SURXONDARYO VILOYATI MISOLIDA)	41-48
<i>Алланазаров Мурот Мирзаевич</i>	
БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ НОЗИРЛАР ШЎРОСИ ВА МИЛЛИЙ РАҲБАР ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА	49-54
<i>Ismoilova Feruza Ibragimovna</i>	
URUSH YILLARIDA XOTIN-QIZLARNING ILM-FAN VA MADANIYAT SOHALARIDAGI XIZMATLARI	55-59
<i>Tursunov Xurshid Nasriddinovich</i>	
O'ZBEKİSTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI	60-64

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Yuldasheva Gulnoza Abdinabiyevna</i>	
THE ROLE OF THE DIGITAL ECONOMY IN MODELING THE FINANCIAL ACTIVITIES OF ENTERPRISES	65-70
<i>Oromidinov Muzaffar Pardabayevich</i>	
DIRECTIONS FOR IMPROVING INTERNAL AUDIT IN COMMERCIAL BANKS	71-75
<i>Худайназарова Дилором Хайруллаевна</i>	
ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	76-84

<i>To'lakov Ulug'bek Toshmamatovich, Jo'rayev Sirojiddin Muxiddin o'g'li</i>	
КО'ЧХМАС МУЛКНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШДА ХОРИЙИ ДАВЛАТЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОХОТЛАР	85-92
<i>Xudayberganov Dilshod Tuxtabayevich</i>	
МИНТАҚАДА ХИЗМАТ ТУРЛАРИДАН САМАРАЛИ РИВОЈЛАНТИРИШ ЙО'НАЛИШЛАРИ	93-98
<i>Turobov Sherzod Alisherovich</i>	
О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA UY XO'JALIKLARI TADBIRKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA DAVLAT SIYOSATI	99-105
<i>Шамсиев Нодир Муратович</i>	
МЕТОДЫ ОЦЕНКИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ПРИ АНАЛИЗЕ РЕЙТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ИХ КАЧЕСТВЕННОЕ ОПИСАНИЕ	106-110
<i>Zaripova Moxira Zarip qizi</i>	
AGRAR SOHAGA XORIJIIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH IMKONIYATLARI	111-114
<i>Узайдуллаев Шерзод Шукуруллаевич</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОМИЛЛАРИ	115-121
<i>Atabayeva Karomat Rajabovna, Rajabova Maftuna Farhod qizi</i>	
О'ЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ SOHASINING RIVOJLANISHI VA TAHLILI	122-127
<i>Жумаева Мухлиса Абдуғани қизи</i>	
МАМЛАКАТДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	128-137
<i>Камалов Акмал Сайдакбарович, Саматов Гаффор Аллақулович</i>	
ГЕОИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ШАРОИТИДА ТРАНСПОРТ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА БЎЛГАН ЁНДАШУВЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ	138-150
<i>Мамадиёрөв Олимжон Умаровиҷ</i>	
ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ НАЗАРИЯЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ	151-158
<i>Раббимов Жаҳонгир Эшбоевиҷ</i>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ОПЕРАЦИОН РИСКЛАРНИНГ МОҲИЯТИ, УЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ	159-164
<i>Кулибоев Азамат Шоназаровиҷ</i>	
ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	165-174

<i>Гадоев Сўҳроб Жумакулович</i>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТИНИНГ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	175-181
<i>Бекжанов Дилмурад Йўлдашович</i>	
ЭМПИРИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ТУРИСТИК ДЕСТИНАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ	182-193
09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Boydadayev Abdurroxmon Tolibjon o'g'li</i>	
SHARQ VA G'ARB IRRATSIONAL FALSAFASIDA PANTEISTIK QARASHLARNING QIYOSIY TAHLILI (J.RUMIY VA F.NITSSHE FALSAFASI MISOLIDA)	194-200
<i>Xayridinov Abbosxon Anvarovich</i>	
GLOBALLASHUV JARAYONIDA MA'NAVIY MA'RIFIY INQIROZLARNING OLDINI OLİSHDA MARKAZIY OSIYO QADRIYATLARINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI	201-205
<i>Quramboyev Alisher Maxsudovich</i>	
TEMURIYLAR DAVRIDA IJTIMOIY ADOLAT TAMOYILLARINING AMAL QILISHI	206-211
<i>Jo'rayev Alisher Tulqinboyevich</i>	
JAMIYAT MILLIY ASOSLARINI MUSTAHKAMLASH – DAVLATNING USTUVOR MAQSADI	212-217
<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i>	
ILMIY BAHS FENOMENINING MANTIQIY- GNOSEOLOGIK MAQOMINI O'RGANISHDA KONSEPTUAL-METODOLOGIK YONDOSHUV	218-224
<i>Пардаева Марҳабо Давлатовна</i>	
АЛИШЕР НАВОЙЙ АСАРЛАРИДА ИЛМГА ОИД ҚАРАШЛАРИНИНГ НАҚШБАНДИЯ ФОЯЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ	225-233
<i>Qutlimuratov Sardorbek Rustamovich</i>	
NIKOH MUNOSABATLARINING TADRIJIY RIVOJLANISHI	234-240
<i>Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna</i>	
DINIY MANBALARDA GO'ZALLIK TO'G'RISIDAGI FALSAFIY QARASHLAR	241-246
<i>Юсупова Феруза Зойировна</i>	
АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ – ЁШЛАР МАҶНАВИЙ ЮҚСАЛИШИННИГ МЕЗОНИ	247-251
<i>Teshaboev Muhiddin Marifovich</i>	
IJTIMOIY ADOLATNI TA'MINLASHNING PRINSIPIAL MASALALARI	252-257

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<i>Soatova Nodira Isomitdinovna</i>	
LIRO-EPIK ASARLARDA POETIK FIKRNING BADIY IFODASI	258-265
<i>Narmuratov Zayniddin Radjabovich</i>	
FRAZEOLOGIK BIRLIKLER LINGVOMADANIY BIRLIK SIFATIDA	266-269
<i>Yusupova Omina Muhammadzoir kizi</i>	
DIFFERENT CLASSIFICATION OF FAIRYTALE DISCOURSE IN WORLD AND UZBEK FOLKLORE	270-276
<i>Бозорова Хулкар Одинақуловна</i>	
РУССКИЙ ЯЗЫК КАК СОСТАВЛЯЮЩАЯ СОДЕРЖАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ	277-282
<i>Matyakubov Oybek Quralbayevich</i>	
KOGNITIV TILSHUNOSLIKDA «KONSEPT» TUSHUNCHASI	283-288
<i>Фатуллаева Камола Рахматуллаевна</i>	
ТЕРМИНЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ	289-293
<i>Karimjonova Shahlo Ravshanjonovna</i>	
O'ZBEK TILIDA KAUZATIV FE'LLARNING YASALISH USULLARI	294-299
<i>Xamzayev Otaxon Erkinovich</i>	
INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA KASB-HUNARGA OIDMAQOLLARNING CHOG'ISHTIRMA TAHLILI	300-305

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Абдурахманова Нодирахон</i>	
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ СМАРТ-КОНТРАКТОВ В СНГ	306-310
<i>Сафоева Садокат Мусоевна</i>	
ЭКОСИСТЕМА СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ: ИССЛЕДОВАНИЕ РОЛЕЙ ЗАИНТЕРЕСОВАННЫХ СТОРОН В КОНТЕКСТЕ ГРАЖДАНСКОГО ПРАВА	311-320
<i>Абдуллаева Маликабону Эркин қизи</i>	
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ	321-330

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Zoirova Lola Xamidovna</i>	
TIBBIYOT OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA “INSON ORGANIZMINING RADIATSİYAGA SEZGİRLİĞİ” MAVZUSINI O'QTİSHDA RAQAMLI TEKNOLOGİYALARDAN	

FOYDALANISH	331-336
<i>Ibragimov A'lamjon Amrilloyevich</i>	
KOGNITIV SIFATLARNING UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANISHGA TA'SIRI (MAKTAB PEDAGOG XODIMLARI MISOLIDA)	337-343
<i>Madaminov Azimbek Egamberganovich, Xalillayev O'ktam Sobir o'g'li</i>	
YOSH GANDBOLCHI DARVOZABONLARNI O'YIN TEXNIKASIGA O'RGATISH	344-349
<i>Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi</i>	
ANALYSIS OF THE POSITIVE IMPACT OF DIGITAL TECHNOLOGIES ON THE MOTIVATION AND KNOWLEDGE OF STUDENTS IN THE DEVELOPMENT OF THE EDUCATIONAL PROCESS	350-355
<i>Джумаева Хулкархан Мухаммаджоновна</i>	
ВНУТРЕННИЕ УГРОЗЫ, НЕГАТИВНО ВЛИЯЮЩИЕ НА ДУХОВНОСТЬ СТУДЕНТОВ..	356-361
<i>Islomova Madina Asqarovna</i>	
INTEGRATSIYALASHGAN SUN'IY INTELLEKT TOMONIDAN YARATILGAN CHATGPT BOT YORDAMIDA NEMIS TILI O'QITISHNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH	362-368
<i>Raxmatova Mexrinoz Majitovna</i>	
YOSHLAR MA'NAVIY SALOHIYATINI O'RGANISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI	369-373
<i>Абдукаюмова Наргиза Райимовна</i>	
ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ШАРТЛАРИ	374-384
<i>Norboyev Farxod Chorshanbiyevich</i>	
KREATIVLIK VA INNOVATSIYA BORASIDA ZAMONAVIY NAZARIYALAR	385-390
<i>Borasheva Aybolgan</i>	
EXPLORING JAMES MCCROSKEY'S RESEARCH ON WILLINGNESS TO COMMUNICATE IN L1 CONTEXTS: IMPLICATIONS FOR LANGUAGE TEACHING AND LEARNING	391-398
<i>Fayzullayeva Gulchexra Sharipboyevna</i>	
KOGNITIV TADQIQOTLARNING FANLARARO TUSHUNCHА SIFATIDAGI MOHIYATI VA MANTIQIY TAHLILI	399-409
<i>Boboraximov Sanjar Malikjanovich</i>	
MAKTABDA O'QUVCHILARNI JISMONIY TARBIYALASHNING ZARURATI VA UNGA QO'YILADIGAN TALABLAR	410-414
<i>Salimova Shahlo Sayfulloyevna</i>	
XAVFSIZ TA'LIM MUHITI MONITORINGINING AHAMIYATI	415-421

<i>Sayfiddinova Jamila Ziyodulla qizi</i>	
METHODOLOGY FOR THE DEVELOPMENT OF LOGICAL REASONING IN PRIMARY SCHOOL PUPILS	422-427
<i>Xamroyev Samijon Salimovich</i>	
SPORT TO'GARAKLARI ORQALI TALABALARING JISMONIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH KOMPONENTLARI	428-433
<i>Kattaeva Feruza Shakirovna</i>	
DEVELOPING STUDENTS SOCIO-CULTURAL COMPETENCE BY USING SOCIO CULTURAL DISCOURSE ANALYSIS METHOD	434-441
<i>G'ofurov Azizbek Umarjonovich</i>	
BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA FANI O'QITUVCHILARINI TAYYORLASH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH	442-447
<i>Abduraximova Umida Shuxratovna</i>	
BO'LAJAK TARJIMONLARNING LINGVOMADANIY VA KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI	448-454
<i>Obidova Gulmira Kuzibaevna</i>	
INGLIZ TILINI O'RGANISH JARAYONIDA TEXNIKA TA'LIM YO'NALISHI TALABALARIDA EKOLOGIK MADANIYAT ASOSLARINI SHAKLLANTIRISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR VA INTERAKTIV METODLAR	455-460
<i>Axmadaliyeva Xosiyatposhsho Abduxayotovna</i>	
PROFESSIONAL TA'LIM YO'NALISHLARIDA TAHSIL OLAYOTGAN O'QUVCHILARNING INGLIZ TILIDAN KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYASINI AUTENTIK MATERIALLAR ORQALI TAKOMILLASHTIRISH	461-469

Пардаева Марҳабо Давлатовна
Республика Маънавият ва маърифат маркази
Бухоро вилояти бўлими раҳбари,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА ИЛМГА ОИД ҚАРАШЛАРИНИНГ НАҚШБАНДИЯ ФОЯЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ

Аннотация. Мақолада Алишер Навоининг илм моҳияти тўғрисидаги фикрлари асосида таҳлил қилинган. Нақшбандия тариқатининг асосий талабларига эътибор қаратилган. Тасаввуф таълимотининг ўзига хос хусусиятлари илм билан боғлиқликда очиб берилган. Мутафаккирнинг “Махбуб-ул қулуб”, “Насойим ул-муҳаббат”, “Хамса” асарларида илм фазилатларига оид фикрларидан мисоллар келтирилган ҳолда, изоҳлаб берилган.

Калит сўзлар. Тасаввуф, нақшбандия, илм, маърифат, мадраса, маънавий мерос.

Pardaeva Markhabo Davlatovna
Head of the Bukhara regional branch of the
Republican Center for Spirituality and Education,
PhD in Philosophy, assistant professor

ORGANIZATION OF VIEWS ABOUT SCIENCE WITH NAKSHBANDI'S TEACHINGS IN ALISHER NAVOI'S WORK

Abstract. The article analyzes Alisher Navoi's reflections on science based on his works. Particular attention is paid to the basic requirements of Nakshbandi. The specific features of Sufism are revealed in connection with science. In the works of the thinker "Mahbub-ul-Kulub", "Nasaim ul-Muhabbat", "Khamsa" ideas about science are given and explained.

Keywords. Sufism, Naqshbandiya, science, enlightenment, madrasah, spiritual heritage.

Пардаева Марҳабо Давлатовна
Руководитель Бухарского регионального отделения
Республиканского центра духовности и просвещения,
кандидат философских наук, доцент

ОРГАНИЧНОСТЬ ВЗГЛЯДОВ О НАУКЕ С УЧЕНИЯМИ НАҚШБАНДИ В ТВОРЧЕСТВЕ АЛИШЕРА НАВОИ

Аннотация. В статье анализируются размышления Алишера Навои о науки на основе его произведений. Особое внимание уделяется основным требованиям Накшбанди. Специфические черты суфизма раскрываются в связи с наукой. В произведениях мыслителя «Махбуб-уль-Кулуб», «Насаим уль-Мухаббат», «Хамса» даются и разъясняются представления о науки.

Ключевые слова. Суфизм, Накшбандия, наука, просветление, медресе, духовное наследие.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I8Y2023N31>

Кириш. Ҳар бир дин ва эътиқод, биринчи навбатда, мазкур дин билан боғлиқ бўлган илмларга асосланади. “Илм” арабча сўз бўлиб, унинг маъноси билмоқ, тушунмоқ, маълум бир соҳага тегишли маълумотлар йиғиндиси, фан, маърифатdir. Тарихий тараққиёт давомида илм ҳақида Куръони каримдаги оятлар, Ҳадиси шарифдаги ҳадислар жуда кўп инсонларни илм эгаллашга, уни тарғиб этишга даъват этиб келган. Ҳадиси шарифда “Олимлар пайғамбарларнинг ворислари” деган муборак ҳадиснинг мавжудлиги ҳам бежиз эмас, албатта. Таъкидлаш жоизки, Куръони каримда илм сўзи ва унинг шаклдошлари 811 жойда зикр қилинган. Шу сабабли Шарқ халқлари ҳаётида илм жуда юқори қадрланган, олимларга бўлган муносабат масаласи юксак бўлган. Илм нима, олим ким деган масала, илмларни тасниф этиш муаммоси башариятнинг диққат марказидаги масалаларданdir [3].

Адабиётлар таҳлили ва методология. Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижодий мероси, дунёқарashi ҳақида кўплаб илмий тадқиқотлар мавжуд. Навоийнинг тасаввуфий қарашларига хусусида Е.Бертелс, И.Мўминов, В.Зоҳидов, Н.Маллаев, М.Хайруллаев, Н.Комилов, М.Орипов, Ҳ.Алиқулов, И.Ҳаққул, Султонмурод Олим, О.Эргашев, С.Каримов, Б.Эралиев, А.Зоҳидов, М.Муҳиддинов, Г.Н.Наврўзова, Н.О.Сафарова ва бошқа тадқиқотчи олимлар асарларида ўз фикрларини билдириб ўтганлар.

Тадқиқот манбаларини Алишер Навоийнинг асарлари, тазкира ва мақоматлар, ўша даврга оид тарихий асарлар ташкил қиласди.

Натижалар ва муҳокама. Мутафаккир Навоийнинг илмга бўлган муносабати “Маҳбуб ул-қулуб” асарида қуйидагича тасвиранган: “...гоҳ илм мадорисида (мадрасаларида) сафи ниол (охирги саф)да ер туттум, гоҳ уламо мажлисида илм нуридин кўнгулни ёруттум”.

Алишер Навоий ўзининг жуда кўп асарларида илм масаласига тўхталиб, унинг инсон ҳаётидаги ўрнини тасаввуф нуқтайи назаридан таҳдил қилган. У ўзининг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида таъкидлаб ўтганидек, Нўширавони одилнинг вазири Бузуржмехр устозидан “Йигитликда не қилмоқ яхши ва қарилиғда не қилмоқ яхши?” деб сўрабди. Устоз шундай жавоб берибди: “Йигитликда илм касб қилмоқ ва қарилиғда ани амалға келтурмак”. “Илмни амалга келтириш”нинг маъноси уни эзгулик ва маърифат йўлида сарф қилмоқдир.

Хожагон тариқати вакилларининг таъкидлашича, билим инсонни икки дунё, яъни ҳам моддий, ҳам охират саодатига эриштирувчи асосий омилдир. Манбаларда таъкидланганидек, Амир Кулол бу ҳақда шундай дейди: “Ва яна олимларга мулозамат қилинг, уларга яқинлашинг, чунки бу тоифа Муҳаммад саллоллоҳу алайҳу васалламнинг ворислари”дур. Чунки Расуллогоҳ алайҳисалом бу ҳақда айтибдурларки, “Ал-уламоу ворисан набий”. Эй, ёронлар, зинхор бундай олимлар билан алоқани узманг, ҳар икки оламда ҳам нажот топгувчилардан бўлгайсизлар”.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тасаввуф аҳли билимни иккига: зоҳирий ва ботиний билимларга ажратганлар. Хожагонлар фикрича, шариат билимлари ва дунёвий зоҳирий билимлар ҳисобланади. Зоҳирий билимлар бу Яратгани билишнинг биринчи босқичидир. Аллоҳни билиш дунёни билишдан бошланади. Чунки моддий олам, борлиқ Аллоҳ Таолонинг тажаллийси бўлиб, улар ўртасида изчил уйғунлик

бордир. Хожагонлар моддий олам ҳақидаги ва шариат билимларини илм ал-яқин ва айн ал-яқин деб атаганлар.

Солик эришган тасаввупнинг маърифат босқичи эса, ботиний илм ҳисобланади. Солик эгаллаган “Хаққ – ал-яқин” (“Хаққа етишиш”) даражасидаги илмдир. Тасаввуп намояндлари таъкидлашича, бу икки хил ўртасида узвий алоқа мавжуд. Бу хусусда, Хожа Ориф Ревгарий қуйидагича ёзади: “Илм ал-яқин ва айн ал яқин бўлмаганидан кейин бу ҳақда ўйлашнинг фойдаси йўқ”.

Абдухолиқ Фиждувоний илм ўрганмасдан туриб, бошқа илмга киришмасликка, ҳар қандай илмни ўрганган инсон унга албатта, амал қилиши кераклигига, қилинадиган амалларни сидқидилдан бажаришга, ҳамиша илмнинг қадр-қимматини баланд тутишга даъват этган. Жумладан, “Мақомоти Мири Кулол”да хожагон тариқати асосчисининг муридларига таъкидлаган қуйидаги насиҳатлари келтирилади: “қаерда бўлманг, сизнинг олдингизда қандай қийинчиликлар бўлмасин, тўсиқлар, дарёлар, оловлар бўлса ҳам, сиз уларни бартараф этиб, билимни эгаллашингиз керак.Faқат илмгина инсонга ҳақиқий рух, роҳат бағишлайди” [11].

Хожагон тариқати вакилларининг илм-маърифат хусусидаги ғояларининг улкан тарбиявий аҳамиятларидан бири шундаки, улар илмни муқаддас ҳисоблаганлар, шунингдек ундан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш, илмни тушунмаганлар ва қадрига етмаганларга “дастурхон” қилиб ёзишни ёки пуллашни қаттиқ танқид остига олганлар. Буни илмни хор этиш деб ҳисоблаганлар. “Ориф эмас, ул кишиким, илм ва маърифатни пулдор дунёпаст ва бадавлат одамлар олдига “дастурхон”, бозор, балки хор айлагай” [12].

Мутафаккир Навоий нақшбандия сулуки вакили сифатида илму ирфонга оид ўзининг қарашларини баён этган. Ҳазрат Навоий ўзининг ушбу асарларида тасаввуп таълимотининг йирик вакили Баҳовуддин Нақшбанд, бу сулукнинг XV асрдаги раҳнамоси Хожа Аҳрор, тасаввупнинг назариётчиси ва йирик вакили Абдураҳмон Жомийни кўп тилга олади, уларни юксак инсоний хислатлари, солиҳ амаллари, хайрли ишлари, диний-тасаввufий, ахлоқий ва умуминсоний қарашларига тўхталади. Навоий наздида, ул зотлар етуқ, ҳар жиҳатдан мукаммал ва дунё ишларида муайян ютуқларга эга бўлиб камолотга эришган фозил одамлар бўлиб гавдаланади.

Буюк шоир, мутафаккир Абдураҳмон Жомий Навоий асарларида алоҳида ўринни эгаллайди. Улуғ мутафаккир нақшбандийлик тариқатига киради ва Жомийни ўзининг пири ҳисоблаб, унга мурид бўлади. Навоий ўзининг “Арбайн”, “Насойимул-муҳаббат”, “Туҳфатул-афкор”, “Мажолисун-нафоис”, “Хамса”га кирган достонларида Жомийга маҳсус ўрин ажратади.

Бу икки буюк шоир муносабатларини ўрганган К.Муллаҳўжаеванинг фикрича, “Жомий наздида Навоий бетакрор истеъодод соҳиби, халқпарвар инсон, иқтидорли мурид ва шогирд бўлса, Навоий учун Жомий бир идеал – комиллик тимсоли эди” [5, 72-80].

Маълумки, Жомий Навоий учун фақат устоз, пир бўлиб қолмасдан, кўп йиллик дўст ҳам эди. Аллома бирор асар ёзишдан олдин ўз маслақдоши, устози — Жомий билан маслаҳатлашар, унинг қимматли фикр-мулоҳазаларини инобатга олар эди.

Навоий ҳазратлари “Ҳайратул-аброр” достонида Жомийни тасаввуп таълимотининг билимдони сифатида таърифлайди. Устозини тариқат қутби, ҳақиқат

сирларини кашф қилувчиси, кўкси ҳақиқатлар дурига тўла, қалби эса, маънолар акс этадирган ойнага ўхшатади [1,13]. Бу билан ҳазрат Навоий пирининг нафақат зоҳирий, балки ботиний билимларни, ҳақиқатга, яъни Аллоҳ васлига етишишнинг сирларини мукаммал эгаллаганлигига ишора қиласди. Дарҳақиқат, Жомий тасаввуп таълимоти ривожига улкан ҳисса қўши. Агар Навоий тасаввупнинг кўпроқ амалий жиҳатларини ривожлантирган бўлса, Жомий унинг назарий-фалсафий томонларига эътибор беради. Бунинг сабаби шуки, XV асрда дарвишлиқ ва қаландарлик ҳаракати халқ орасида кучайиб, унинг назарий асослари унутила бошлаган эди. Бундан ташвишланган Жомий ваҳдати-вужуд таълимотига бағишланган “Шарҳи рубоиёт” шеърий асарини ёзиб, тасаввупнинг асоси ваҳдати вужуд, яъни Аллоҳ, борлиқ ва инсоннинг бирлиги эканлигини назарий жиҳатдан исботлаб беради.

Мутафаккир Алишер Навоий ҳам ўзининг асарларида илоҳий даъватларга асосланган ҳолда, илмнинг хусусиятлари, илмли инсонларнинг фазилатларини мукаммал тарзда баён этган. Тарихчи Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” асарига мурожаат қиласиган бўлсак, унда Навоийнинг болалик давридан то умрининг охиригача асосий вақтини илм эгаллаш ва камолотга эришиш ишига сарфлагани, “ёшлик йиллари ва йигитлик даврида жуда катта қимматга эга бўлган китобларни мутолаа қилгани, Мавлоно Фасиҳиддин Муҳаммад Низомийнинг “илмидан фойдаланиш учун хизматда тургани” [7], кейинчалик Жамолиддин Атоуллоҳ, Мир Камолиддин Ҳусайн, Мавлоно Муъиниддин Воизни, Ҳусайн Воиз Кошифий каби замондош олимларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаб турганлиги хусусида ёзилганининг гувоҳи бўламиз. Ҳақиқатан ҳам Алишер Навоий Қуръон ва тафсир илмидан таълим олишни ёшлик чоғидан бошлаган. Ҳусусан, унинг “Мажолис ан-нафоис” асарида олти ёшида тарихчи Шарафиддин Али Яздий билан бўлган суҳбатида “Таборак” сурасигача ўқигани қайд этилган.

Мутафаккир ижодида Қуръон илмлари асосий ўрин эгаллаган. Унинг “Назм ал-жавоҳир”, “Мажолис ан-нафоис”, “Ҳайрат ал-аброр», “Ситтаи зарурия”, “Насоим ал-муҳаббат», “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Сирож ал-муслимин» ва “Хамсат ал-мутаҳайирин» каби асарларида мавзуга дахлдор бўлган жуда кўп маълумотлар ўз аксини топган.

Навоийнинг илмга жуда катта эътибор берганлигини жуда кўп маълумотларда кўриш мумкин. Ўзининг “Вақфия” асарида толиби илмларга ва мударрисларга маош белгилагани акс эттирилган. “Маҳбуб ул-қулуб” асарида мударрислар хусусида шундай фикр билдиради: мударрисларнинг дарс беришдан мақсади “мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтурса” киришмаса, ўзини қўз-қўз қилиш учун “дарс ҳалқасини тузмаса”, камтар, дин илмаридан чуқур хабардор, ёмонлардан узоқ, яхшиларга ҳамдам, жоҳилларга фисқу фасод ишларга рухсат бермайдиган киши. Агар у динда тақиқланган ишларни қилиб, қилиши шарт ишлардан ўзини тийса, бу мударрис эмас, у “мубтадеъдур”, яъни бидъатчи сифатида тасвирлайди. Бундай инсоннинг “ислом аҳли” билан суҳбати мумтанеъдур, яъни ман этилган. Олим инсон, биринчи навбатда, тақводор бўлиши ва ҳар қандай ишлардан огоҳ туриши, “айтури қолаллоҳ ва қола Расулуллоҳ” бўлиши кераклигини таъкидлайди. Жумладан қитъада:

Ҳар не айтур бўлса Ҳудову Расулдин

Андин сўнг ўлса мужтаҳиду авлиё сўзи.

Андин киши не ким эшитур ва ёки ўрганур
Бўлса Худо сўзи, йўқ эса, Мустафо сўзи.

Бу қитъадан маъно шуки, мударрис, олим, биринчи навбатда, Худо ва Расулнинг сўзидан, ундан сўнг мужтаҳидлар, кейин авлиёлар сўзларидан гапирмоғи лозим. Инсонларнинг ундан эшитган ёки ўрганган сўзи Худонинг сўзи, йўқса, Мустафо (с.а.в.) сўзи бўлиши керак. Бу ерда динимизнинг икки асоси хусусида гап кетяпти. Яъни оят ва ҳадисларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти кўрсатиляпти [8]. Таъкидлаш жоизки, Навоий яшаган даврда дин илмининг асосий негизи бўлган оят ва ҳадисларни билмаган, тушунмаган ва уни тарғиб қилмаган инсон олим деб ҳисобланмаган. Ким бўлишидан қатъий назар, Аллоҳни зикр этмоғи лозим.

Мутафаккир илмларни эгаллаш билан бирга илм тарқатувчи олимларни ҳар вақт ҳурмат қилишга чақириган. “Ман акрама олиман фақад акраманий” деб айтган. Бунинг маъноси шуки, “Кимки олимларни иззат қиласа, гўёки мени иззат қилибди”. “Ал-уламоу варасатул анбийў” фикрининг маъноси “Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрлари” деган икки ҳадис маъносига ҳамоҳангдир.

Бирорким қиласа олимларға таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарға таъзим.
Ҳадис ўлмиш набийдин бўйла ҳадис
Ки, “Олим келди пайғамбарға ворис”.

Жаҳонда минг турли мансаблар бор. Бироқ, юксак мартаба ва мақом эгаси бўлган олимларгина пайғамбарлар ворислари бўлишлиги, олимликнинг нақадар бекиёс улуғлик эканлигидан далолат беради.

Бироқ, мутафаккир олимлар ўз обрўсига путур етказмаслиги лозимлигини таъкидлайди. У бир мисрада “ким илмни воситайи” жоҳ этса, суистеъмол қиласа, нафақат ўзини, балки халқини ҳам гумроҳ қиласди, деб таъкидлайди. Шунингдек, олим бирор бир жоҳил билан рўбарў ўтириб, уни мот қилишни орзу қиласа, бу ўзи учун таҳқирлаш ҳисобланади. Навоий бундай кишилар хусусида “Олим керакки, ўз илмининг поя ва миқдорин асрағай, гавҳарни имтиҳон учун тошқа урмағай”, деб айтади.

Мутафаккир фикрича, илм билан амал бир-бирини тақозо қилувчи тушунчалардир. У бир байтида фозиллар орасидан жой олиш учун илмда комил ва адабда намуна бўлиш лозимлигини уқтиради:

Адаб ўрган, илм ҳосил қил,
Аҳли маъниларга ўзни васил қил.

Бу фикрлар нақшбандия тариқатининг рашҳалари “Назар дар қадам”, “хилват дар анжуман”га ҳамоҳангдир. Бошқа бир байтида илм ўргатган устозларни рози қилиш – Аллоҳни рози қилиш билан баробар дея уқтиради: “Шогирд агар шайх ул-ислом, агар қозидур, агар андин устод розидур – Тангри розидур” [9].

Мутафаккирнинг “Садди Искандарий” достонидан бир ҳикматли савол-жавобни келтириш жоиздир. Луқмони Ҳакимдан “илмни кимдан ўргандинг?” деб сўраганларида, “нодон ва жоҳиллардан”, деб жавоб берган экан. Луқмони Ҳаким бунинг сабабини ҳар бир нодоннинг “ёмон” иши бўлгани учун мен унинг аксини қилиб, “омон”лик топдим. Шу жиҳатдан улар менга устоз, дея жавоб берган экан. Ҳар бир инсоннинг ёмон иши ва унинг оқибати бошқаларга мактаб, дарс бўлмоғи ҳозирги кунда ҳам жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Алишер Навоийнинг ёшларни илм эгаллашига шароит яратиш мақсадида “Ихлосия” мадрасасини, сўфийлар учун “Халосия” каби бир неча “бинойи хайр” қурганлигига тарих гувоҳ. “Икки олимумутаққи (тақводор олимлар) мударрис бўлгай. Ҳар бирининг йиллик вазифаси (иш ҳақи) икки юз олтун нақди, йигирма тўрт харвор (бир эшак кўтарарлик юқ) ошлиқ, ярим арпа, ярими буғдой бўлгай. Ҳар халқа дарсда ўн бир толиби илмким, бориси йигирма икки бўлгай. Олти аъло (аълочи) ҳар бирига ойлик нақди йигирма тўрт олтун, йилда буғдой беш юқ, васат (ўрта ўқиғонлар) секиз (талаба) ойлиғ ҳар бирига нақди ўн олтун, буғдой – йиллик тўрт юқ, адно (паст ўқиғонлар) секиз – талаба ойлик ҳар бирига ўн икки олтун, ошлиғ йилига уч юқ” бериларди.

Навоий ҳаётдаги жуда кўп муаммоларнинг қалити илм ва ҳикматда деб билади. У биргина “Саъди Искандарий” достонида 138 марта “ҳикмат” сўзини ишлатган. Искандарга ҳамроҳ бўлиб, унга жуда оғир шароитда ўз ёрдамини аямаган юонон файласуфларининг доноликлари, тадбиркорликларини мақтайди. Нақумоҳис, Арасту, Афлотун, Суқрот, Асқалинус, Буқрот, Хурмус, Файсоғурс каби файласуфларнинг доноликларини фақатгина мақтов билан эмас, балки улардан ўрнак олмоқликка даъват этади. Ўз давридаги олимларни халқ манфаатига хизмат қилишга тарғиб қиласди.

Мутафаккир “Фарҳод ва Ширин” достонида Султон Ҳусайн Бойқаро ўғли Абулфаворис Шоҳфариб Баҳодирга қилган насиҳатларида илм ва олимлик хусусида батафсил фикр билдиради. Унингча, кимда ким ўқишиш-ўрганишдан эринса, илм аҳли олдиди хижолат бўлиб қолиши табиий. Ҳаттоқи золим бўлсада, ҳар қандай мушкул ишнинг ечимини топа оладиган донишманд бўлса, ҳатто тақводорликка берилган кишилар ҳам одамлар орасидан бориб, ундан у ёки бу нарсани сўрашга мажбур бўлади... Агар сен ҳар нарсадан огоҳ экансан, сен – шоҳсан” [10].

Таъкидлаш жоизки, илмга амал қилишликни мутафаккир, аввало, ўзидан талаб қилган:

Илм, Навоий, сенга мақсуд бил,
Эмдики илм ўлди – амал айлагил.

Алишер Навоий нақшбандия тариқатининг йирик вакили сифатида таълимотнинг асосий мағзини ўзининг байтларида бевосита намоён этган.

Навоий достонларидан илм ҳақида жуда кўп ҳикматли байтлар, танbihлар ва насиҳатлар ўрин олган. Мутафаккирнинг илм хусусидаги фикрларини тадқиқ қилиб, унинг асарларида ўз аксини топган илм соҳаларини шартли равишда уч гурухга бўлиш мумкин:

1. Дунёвий-ҳаётий илмлар.
2. Шариат-дин илмлари.
3. Ладуний илм.

Дунёвий-ҳаётий илмларга риёзиёт, ҳандаса, илми нужум, фалакиёт, тарих, адабиётшунослиқ, тиб ва бошқа илмларни киритиш мумкин.

Шариат – дин илмлари фиқҳ, тафсир соҳаларидан иборат.

Ладуний илм унингча, Аллоҳ ато қилган илмдир. Навоий “Фиёс ул-луғот»да таъкидлашича, ладуний илмда инсон ҳеч бир мураббийсиз, меҳнат-машаққатсиз илмга эга бўлади. Аллоҳ томонидан берилган бундай илмга ваҳий, илҳом ва фаросат киради. Таъкидлаш жоизки, ваҳий пайғамбарларга, илҳом авлиёларга, фаросат барча инсонларга берилади. Ладуний илм бўлган ваҳий хусусида Абу Наср Фаробий “Илмлар

таснифи” асарида шундай ёзади: “Аллоҳ таоло керакли хабарларни ўз пайғамбарларига ваҳий орқали етказиши зарурий. Агар ваҳий орқали етказилган маълумотларга инсонларнинг ақли етганда эди, у ҳолда инсонлар ўз ақлига ишонар ва на пайғамбарларга ва на ваҳийга эҳтиёжлари бўлмасди. Ҳолбуки, бошқа инсонларга (ғайбни билиш) қобилияти берилмаган. Шу сабабли динлар билдирган нарсаларга инсонларнинг ақли етмаслиги табиий [2].

Мутафаккир Навоий мадрасада ўқитиладиган илмни “қол”, яъни зоҳирий илм, тариқат илмини “ҳол” – ботиний илм деб атайди. “Насойим ул-муҳабbat» асарида баъзи бир шайхлар хусусида гапирганда, “Зоҳир улуми ва ботин улумига жомеъдур”, “Усул ва улуми зоҳирда олим эрмиш”, “Улуми зоҳирий ва ботиний била олим эрди”, “Илми зоҳир улумида ҳам қутуби бор” каби фикрларни келтиради. Таъкидлаш жоизки, бу билимлар бир-бири билан узвий боғлиқ, шунингдек бир-бирини тақозо қиласди. Олим Сайфиддин Рафиддинов таъкидлаганидек, тасаввуфий манбаларда шариат — дори, тариқат уни истеъмол этмак, ҳақиқат эса, касалликнинг даф бўлиши, шариат – тери, тариқат – гўшт, ҳақиқат – суюқ, маърифат эса, илиқдир. Шариат – қадаҳ, ҳақиқат унинг ичидаги бода. Агар қадаҳни синдирсанг, бодадан қуруқ қоласан каби турли таърифлар берилган [4]. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларнинг зоҳирий маъноси бўлиш билан бирга ботиний маънолари ҳам мавжудлиги мутасаввуфлар томонидан таъкидлаб ўтилган. Уларнинг асарларида қуйидаги иборалар кўп учрайди:

Зоҳирий олам ва ботиний олам;
Зоҳирий илм ва ботиний илм;
Зоҳирий уламо ва ботиний уламо;
Зоҳирий иқомат ва ботиний иқомат;
Зоҳирий таҳорат ва ботиний таҳорат;
Зоҳирий неъматлар ва ботиний неъмат.

Демак, булардан хулоса шуки, ҳар бир нарсанинг ички ва ташқи томони бўлиб, улар бир-биридан фарқ қилувчи қонунлар, шунингдек хусусиятларга эга. Зоҳир ва ботинни иккита нарса деб тушуниш жоиз эмас. Булар бир нарсанинг ташқи томони, яъни қобиғи бўлса, иккинчиси унинг асосий ўзаги бўлиб, ички томони ҳисобланади. Шариат, тариқат, ҳақиқат муносабатларини ҳам худди шундай тушуниш лозим. Бунда шариат тариқатнинг ташқи томони. Тариқат унинг ички томони ҳисобланади. Тариқат ҳақиқатнинг ташқи томони бўлганда, ҳақиқат унинг ички томони бўлади. Шу сабабдан ҳақиқатга лубб ул-луб, яъни мағзининг мағзи сифатида қаралади.

Юқорида таъкидланганидек, зоҳирий илм ботиний илмнинг асоси. Шу сабабли мадраса илми сўфийлар учун энг асосий илм ҳисобланган. Уни чуқур эгаллаган, унга амал қилган истеъдодларгина ботиний илмларга, кашфга эга бўлишган. Бироқ баъзи тариқат аҳлининг билимлари мударрислар илмидан ҳам илгарилаб кетган. Зоҳирий илм ботинга таъсир қиласди. Худди шунингдек, ботиндаги амаллар ҳам бевосита зоҳирга ўз таъсирини ўтказган. Маълумки, Баҳоуддин Нақшбанднинг энг улуғ ҳазратларидан бири Ҳожа Муҳаммад Порсо бўлган. У киши “Рисолаи қудсия” асаридан шундай таъкидлайди: Солик балоғатга етганида унинг дили ва тили орасида фарқ қолмайди. Яъни унинг амаллари ботиний амалларига монелик қилмайди, ботиний амаллари зоҳирий амалларини тўсмайди. Унга халқни Ҳақ субҳонаҳу ва таоло йўлига даъват қилишга ижозат берилади” [6]. Ботиний илм ривожлантирилиши оқибатида ботиний қувват ва

ҳолга эришилган. Шу сабабли тариқат аҳли ботиний илм тушунчасида муршид томонидан муридга бериладиган маҳсус вазифа ва зикрлар назарда тутилган. Шунингдек, ботиний ҳол деганда ушбу зикр ва вазифалардан пайдо бўлган нурлар, кашфлар, ғайбий сирлар англанган. Натижада зоҳирий ва ботиний илмларнинг ўзаро уйғунилиги, бевосита боғлиқлиги натижасида сўфийларга Аллоҳдан каромат берилган. Мутафаккир Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳабbat” асарининг муқаддимасида ёзишича, ушбу каромат турли кўринишда бўлиши мумкин. Жумладан, яширин нарсадан огоҳ бўлиш, узоқ йўлни бир пасда босиб ўтиш, бир пайтнинг ўзида бир неча жойда пайдо бўлиш, сув устида юриш, оловда ёнмаслик, ҳавода учиш, дуонинг ижобат бўлиши ва бошқалардир. Комил инсонлар, авлиёлар ҳақида гап кетганда, уларнинг зоҳирий ва ботиний илмларга эга бўлганлар сифатида сўфий, ориф, дарвеш, ошиқ ва бошқаларни тилга олади, шунингдек уларнинг ўзига хос фазилатлари хусусида ҳам фикр юритади. Жумладан, мутафаккир “Махбуб ул-қулуб” асарининг “Дарвешлар зикри” бобида дарвеш, эранларнинг фазилатларини таъкидлаб ўтади. Уларга таъриф берганда, бир қанча хусусиятларини санаб ўтади. Булар: ризо ва фақр мақомини эгаллаган; қалби тоза; тақдирдан мамнун; қаттиқ риёзатлар чекиб, “сидқу фано тариқини тузган”, юксак ҳимматли бўлганидан “Вужуди Мутлақдин ўзга барча” нарсани унуглан ва бошқалар. Унингча, ичи ташқарисига мувофиқ бўлса, ботини зоҳири билан мутаносибdir.

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳабbat” асарида абдоллик, яъни валийлик мақоми хусусида фикр юритиб, уларда зоҳирий ва ботиний хислатлар бўлишини таъкидлайди. Тўрт зоҳирий хислат сифатида қўйидагиларни кўрсатиб ўтади:

1. Оз гапирадилар, қўп фикрлайдилар.
2. Эрта уйғониб, кам ухлайдилар. Кечанинг асосий қисмини риёзат билан ўтказадилар.
3. Кам ейдилар, очликка жуда сабр қиласидилар.
4. Улар халқдан йироқ, Ҳаққа яқинтирлар.

Таъкидлаш жоизки, бу тўрт хислатнинг ҳар бирида зоҳирий ва ботиний ҳоллари бўлар экан.

Холоса. Алишер Навоий ижоди Қуръон ва ҳадис, ақида ва фикҳ, тасаввуф ва ҳикмат каби илм соҳалари билан бевосита боғлиқdir. Бу илм соҳаларини мазмун-моҳиятини яхши тушунмасдан, тадқиқ қилмасдан ҳақиқий маънида маърифат ҳосил қилиш мумкин эмас. Таъкидлаш жоизки, маърифат ирфон деб ҳам аталади. Аллоҳнинг бандасига бўлган эҳсони бу ирфондир. Кишида ирфон вужудга келса, у илоҳий ҳақиқатни англай бошлайди. Ҳақни таниган ориф ҳолига келади. Орифлик, Навоий наздида, маърифат ҳосиласидир.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Алишер Навоий. Ҳайратул-аббор. –Тошкент: F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. –Б. 13.
2. Абу Наср Фаробий. Илмлар таснифи. (Иҳо ал-улум). Тошкент.2016. –Б.6
3. Баҳодиров Р.М. Илмлар фазилати. Т.: Қатортол-Камолот, 1997. 45 бет
4. Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги. Ўттиз жилдлик. Йигирма иккинчи жилд. Тошкент, 2022. –Б.17

5. Муллахўжаева К. "Хамса" муқаддимотларида Жомий сиймоси // Жомий ва ўзбек адабиёти. -Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. -Б. 72-80
6. Хожа Муҳаммад Порсо. Рисолаи қудсия. Тошкент. 2020. -Б.8
7. Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Тошкент. 2015. -Б.28-32.
8. Пардаева, М. Д. (2021). ЎТМИШИ ШАРАФЛИ, КЕЛАЖАГИ БУЮК ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИДА ҲАЗРAT АЛИШЕР НАВОИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ. ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ, 4(3).
9. Pardaeva, M. D. (2020). THE ROLE OF THE JADID'S THINKING VIEWS IN THE FIGHT AGAINST ENLIGHTENMENT AGAINST IGNORANCE. Ўтмишга назар журнали, 10(3).
10. Пардаева, М. Д. (2018). Использование средств народной педагогики в воспитании толерантности у молодежи. Проблемы педагогики, (6 (38)).
11. https://n.ziyouz.com/books/adabiy_esdaliklar/Matyoqub%20Qo'shjonov.%20Diydor.pdf
12. <https://cyberleninka.ru/article/n/hozhai-zha-on-abduholi-izhduvoniyl-ilm-t-risida>

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 8 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти**

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой
тумани, Кичик Бешёғоч қўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).